

THE EFFECTIVENESS OF THE USE OF INTERACTIVE LEARNING ON THE LESSONS

G.B. Ergasheva¹, D. Kodirova²

Abstract

This article provides information about the possibility and effectiveness of the use of interactive methods in the lesson.

Keywords: communication, discussion, debate, knowledge, understanding, application, analysis, synthesis, evaluate.

Бугунги кунда таълимнинг иқтисодийлиги ва такомиллашганлиги ўргатувчи ва ўрганувчи алоқалари, техника ва технологиялар, таълимни интерфаол методлар асосида ташкил қилиш, ҳамда таълим самарадорлигини оширишга катта эътибор берилмоқда. Таълим тизимида, таълим жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш – таълим самарадорлигини оширадиган инновацион усулдир. Ёшларни янгича ишлашга ва тафаккур юритишга ўргатиш давр талаби эканлиги ҳар томонлама асослаб берилди. Ҳозирги кунда барча таълим муассасаларида ўқитиш жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланишга эришилмоқда. Бу эса интерфаол таълим асосида ташкил этилаётган педагогик жараёнларни мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниб етишга ва уларни самарали, қизиқарли, сифатли бўлишини таъминлашга қўмаклашади. Интерфаоллик ўзаро фаоллик, ҳаракат, таъсирчанлик, талаба ва ўқитувчи мулоқотларида содир бўлади. Интерфаол усулнинг бош мақсади: ўқув жараёни учун энг қулай вазият яратиш орқали талабанинг фаол, эркин фикр юритишига муҳит яратишидир. У ўзини интеллектуал салоҳиятини намоён этади ва ўқув сифати ва самарадорлигини оширишни таъмин этади. Интерфаоллик асосида дарсни ташкил этиш шундай кечадики, бу жараёнда бирорта ҳам талаба четда қолмайди, яъни улар кўрган, билган, ўйлаган фикрларини очиқ-ойдин билдириш имкониятига эга бўладилар. Талабалар ҳамкорликда ишлашда мавзу мазмунини билиш, ўзлаштиришда ўзларининг шахсий ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бўладилар. Ўзаро билимлар, ғоялар, фикрларни алмашиш жараёни содир бўлади. Бундай ҳолатлар ўзаро самимийликни тامينлайди, янги билимлар олиш, ўзлаштиришга ҳавас ортади, шу жараёнда бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, ўзаро дўстона муносабатлар вужудга келади. Бунинг тарбиявий аҳамияти катта. Интерфаол машғулоти таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ўқув режадаги фанларни ўқитишда қайси мавзулар бўйича интерфаол дарслар ташкил қилиш мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиш зарур. Бунда бир мавзу бўйича машғулотнинг мақсадига тўлиқ эришишни таъминлайдиган интерфаол ёки анъанавий машғулоти турларидан фойдаланиш кўзда тутилади.

2. Интерфаол машғулотнинг самарали бўлиши учун талабалар янги машғулотдан олдин унинг мавзуси бўйича асосий тушунчаларни ва дастлабки маълумотларни билишларини таъминлаш зарур.

3. Интерфаол машғулотда талабаларнинг мустақил ишлашлари учун анъанавий машғулотга нисбатан кўп вақт сарфланишини ҳисобга олиш зарур. Интерфаол таълим усули – ҳар бир ўқитувчи томонидан мавжуд воситалар ва ўз имкониятлари даражасида амалга оширилади. Интерфаол машғулотларни амалда қўллаш бўйича айрим тажрибаларни ўрганиш асосида бу машғулотларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни кўрсатишимиз мумкин. Уларни шартли равишда ташкилий

¹Эргашева Гулзода Бахтиёровна – преподаватель кафедры дошкольного образования, факультет дошкольного и начального образования, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

²Кодирова Дилноза, студент факультет дошкольного образования, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

педагогик, илмий-методик ҳамда ўқитувчига, талабаларга, таълим воситаларига боғлиқ омиллар деб аташ мумкин. Ташкилий-педагогик омилларга қуйидагилар киради: ўқитувчилардан интерфаол машғулотлар олиб борувчи тренерлар гуруҳини тайёрлаш; ўқитувчиларга интерфаол усулларни ўргатишни ташкил қилиш; ўқув хонасида интерфаол машғулот учун зарур шароитларни яратиш; маърузачининг ҳамда иштирокчиларнинг иш жойи қулай бўлишини таъминлаш; санитария-гигиена меъёрлари бузилишининг олдини олиш; хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни таъминлаш; давоматни ва интизомни сақлаш; назорат олиб боришни ташкил қилиш ва бошқалар. Илмий-методик омилларга қуйидагилар киради: ДТС талабларининг бажарилишини ҳамда дарсдан кўзда тутилган мақсадга тўлиқ эришишни таъминлаш учун мақсадга мувофиқ бўлган интерфаол усулларни тўғри танлаш; интерфаол машғулот ишланмасини сифатли тайёрлаш; интерфаол машғулотнинг ҳар бир элементи ўрганилаётган мавзу билан боғлиқ бўлишини таъминлаш; машғулотлар мавзуси ва мазмунини сўнгги илмий-назарий маълумотлар асосида белгилаш; талабаларнинг тайёргарлик даражасини олдиндан аниқлаш ва шунга мос даражадаги интерфаол машғулотларни ўтказиш; интерфаол машғулот учун етарлича вақт ажрата билиш ва бошқалар.

Юқоридагилардан фойдаланишда қандайдир бир мақсадни кўзда тутиб, муаммони келтириб, талабаларни шу жараёнда ишлашга тайёрлаб, уни маълум малакаларга эга бўлган ҳолатларда қўлланилса, кутилган натижаларни олиш мумкин. Интерфаол ўқитишда ўқитиш муҳитини ташкил этилади, қулай муҳит яратилади, яхши ташкил этилган ўқитиш муҳити: ўқиш ва тадқиқотларга кўмаклашади; турли тадқиқотлар олиб бориш учун материалларга эга бўлади; ижодкорлик қобилиятига рағбат беради; фикрлар ва ахборотлар алмашувига имкон яратади; маълумотларни мустақил олиш кўникмаларини шакллантиради; узлуксиз таълим олиш кўникмаларини ривожлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ж.Йўлдошев, Ф.Йўлдошева, Г.Йўлдошева. Интерфаол таълим – сифат кафолати. 2008 й. Тошкент
2. Н.Н. Азизходжаева “Педагогик технология ва педагогик маҳорат”. Тошкент, 2005.

© G.B. Ergasheva, D. Kodirova, 2018